

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

СОЛИЕВ БЕКЗОД ЗОКИРБОЕВИЧ

**РУДА ТАНАЛАРИНИ ЁТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЧУҚУР КАРЬЕРЛАРНИНГ
БОРТОРТИ ЗАҲИРАЛАРИНИ ҚАЗИБ ОЛИШНИНГ
ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Солиев Бекзод Зокирбоевич

Руда таналарини ётишининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда
чуқур карьерларнинг борторти захираларини қазиб олишнинг
технологик схемасини ишлаб чиқиш3

Солиев Бекзод Зокирбоевич

Разработка технологической схемы отработки прибортовых запасов
глубокого карьера с учетом особенностей залегания рудных тел21

Soliyev Bekzod Zokirboyevich

Development of a technological scheme for the development of
near-field reserves of a deep open pit taking into account the peculiarities
of occurrence of ore bodies.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

СОЛИЕВ БЕКЗОД ЗОКИРБОЕВИЧ

**РУДА ТАНАЛАРИНИ ЁТИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИНИ
ҲИСОБГА ОЛГАН ҲОЛДА ЧУҚУР КАРЬЕРЛАРНИНГ
БОРТОРТИ ЗАҲИРАЛАРИНИ ҚАЗИБ ОЛИШНИНГ
ТЕХНОЛОГИК СХЕМАСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

04.00.10 – Геотехнология (очик, ер ости ва қурилиш)

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Навоий – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Т1083 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат кончилик институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мислибаев Илхом Туйчибаевич
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Умаров Фарходбек Яркулович
техника фанлари доктори, доцент

Меликулов Абдусаттор Джаббарович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

«Олмалик кон-металлургия комбинати» АЖ


Диссертация химояси Навоий давлат кончилик институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.Т.06.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 12 март соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилик институтининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz).

Диссертация билан Навоий давлат кончилик институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (84 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.


Диссертация автореферати 2022 йил 25 феврал куни тарқатилди.

(2022 йил 25 февралдаги 43 рақамли реестр баённомаси)




Б.Р. Раимжанов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси в.в.б, т.ф.д., профессор


Ш.Ш. Заиров
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, т.ф.д., профессор


Н.А. Абдуазизов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда кончилик корхоналари томонидан фойдали қазилмаларни очик усулда қазиб олиш жараёнида иқтисодий самарали бўлган захираларининг 20-45% гача бўлган қисми карьер бортлари чегаралари ортида фойдаланилмасдан қолади. Фойдали қазилмаларни комбинациялашган усулда қазиб олиш бўйича дунё амалиёти шуни кўсатадики, рудникларнинг 25% карьер чегараларидан ташқарида бўлган рудаларни, 65% карьер ости захираларини қазиб олиш ишларини олиб боради ва фақатгина 18% эса борторти захираларини қазиб олади. Борторти массивларида фойдаланилмасдан қолган баланс руда захираларини қазиб олиш ушбу кончилик корхонасининг иқтисодий самарали ишлаш кўрсаткичлари ва қўшимча фойдали қазилма қазиб олиш имконини беради. Шу сабабли кончилик корхоналарининг иқтисодий самарали ишлаши учун борторти захираларини қазиб олиш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда борторти захираларини ер ости усулида қазиб олишда рудникларни қуриш ва массив турғунлигини таъминлаш, борторти захираларини самарали технологик схемалар билан қазиб олиш ва массивларнинг зўриқма-деформацияланган ҳолатларини аниқлаш, фойдали қазилма конларини борторти захираларини шаклланиши ва баҳолашни тадқиқ этиш, конларни ўзлаштиришнинг янада самарали ривожлантириш йўллари асослаш, карьерларни борторти захираларини очишнинг моделини ва борторти захираларини ўзлаштиришда қазиб олиш тизимининг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш бўйича кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада руда таналарининг ётиш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда карьер борторти захираларини ер ости усулида қазиб олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш орқали коннинг георесурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда кон-техник иншоотларнинг геодинамик хавфсизлигини таъминлаш технологияларини такомиллаштириш, чуқур карьер бортларининг оқилона конструкцияларини ишлаб чиқиш, массивнинг кўчки хавфли жараёнларини башорат қилиш услубларини ишлаб чиқиш, чуқур карьерларни комбинациялашган усул билан қазиб олишда кон-техник ишларни бажаришнинг хавфсиз технологияларини такомиллаштириш бўйича илғор илмий асосланган чора тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «ишлаб чиқаришга тежамкор энергия ва экологик жиҳатдан хавфсиз технологияларни жорий қилиш ва ташкил этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори

руда конларидан комплекс фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш, чуқур карьерларнинг борторти захираларини ер ости усулида қазиб олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги ва 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «Ишлаб чиқаришни структуравий қайта тузиш, модернизациялаш ва диверсификациялашни таъминлаш бўйича 2015-2019 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури» тўғрисидаги Фармонлари ва 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон «Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти ҳам муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология, ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Фойдали қазилма конлари борторти захираларини қазиб олиш назарияси ва амалиётининг ривожланишига Баранов А.О., Боголюбов А.А., Бурмистров К.В., Брюховецкий О.С., Вовк А.А., Волков Ю.В., Волохов А.В., Гавришев С.Е., Демидов Ю.В., Дмитриенко А.И., Зобнин В.И., Иванов Ю.С., Ивашов Н.А., Игнатов В.Н., Калмыков В.Н., Каплунов Д.Р., Кольцов П.В., Кузнецова Т.С., Куликов В.В., Лукишов Б.Г., Мальгин О.Н., Меликулов А.Д., Мещеряков Э.Ю., Мухтаров Т.М., Некерова Т.В., Раимжанов Б.Р., Рахимов В.Р., Раҳмангулов А.Н., Рыльникова М.В., Сафонов Л.С., Сытенков В.Н., Терентьев В.И., Томилина Н.Г., Трубецкой К.Н., Хохряков В.С., Черный Г.И., Черных А.Д., Шалтыкова В.М., Шеметов П.А., Щелканов В.А., Avasthi J.M., Blowes D.W., Eppinger R.G., Hartman H.L., Jack de la Vergne, Kleinmann R.L., Phelps R.W., Puhakka Tulla, Ramani R.V., Ripley E.A., Shuey S.A., Walls N., Wheeler P. ва бошқа мутахасислар катта ҳисса қўшган.

Мавжуд адабиётлар таҳлили асосида қайд этиш лозимки, ҳозирги кунда фойдали қазилма конларини қазиб олиш чуқурлигининг табиий ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Карьерларнинг чуқурлашиши билан қазиб олиш ва ташиш харажатлари ошиб кетиши конлардаги вазиятни янада оғирлаштиради. Шу муносабат билан, чуқур карьерларда қазиб олиш самарадорлигини ошириш хомашё базасини кенгайтириш ва коннинг георесурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун муҳим илмий ва амалий аҳамият касб этади. Ҳозирги кунгача карьер борторти захираларини қазиб олишнинг бир нечта технологик схемалари ишлаб чиқилган. Аммо улар катта ҳажмдаги ер ости кон лаҳимларини ўтиш ишларини талаб қилади, унча чуқур бўлмаган карьерларда қўлланилганида,

руда таналарининг ётиш хусусиятлари, очиш параметрларининг ўзаро боғлиқлиги, транспорт ва карьер ҳамда шахта майдонидаги қазиб олиш тизимлари ҳисобга олинмайди.

Ушбу диссертация иши руда таналарини ётиш шароитларининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чуқур карьерларнинг борторти заҳираларини қазиб олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқишга бағишланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилиги институти илмий-тадқиқот режасининг №21-07 – «Олтин рудали чуқур карьерларнинг борторти заҳираларини ер ости усулида қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш» ва №22-07 – «Мурунтау конини комбинациялашган усулда қазиб олишнинг самарали технологик схемаларини ишлаб чиқиш ва қазиб олишда лаҳимлар барқарорлигини баҳолаш»мазуларидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ер ости усулида борторти заҳираларини қазиб олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш орқали коннинг георесурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фойдали қазилма конлари борторти заҳираларини қазиб олиш назарияси ва амалиётини таҳлил қилиш;

Мурунтау карьери фойдали қазилма кони борторти заҳираларини шаклланиши ва баҳолашни тадқиқ этиш;

Мурунтау конини ўзлаштиришнинг янада самарали ривожлантириш йўллари асослаш;

Мурунтау карьери борторти заҳираларини очишнинг математик моделини ишлаб чиқиш;

борторти заҳираларини ўзлаштиришда қазиб олиш тизимининг оптимал вариантларини танлаш методикасини ишлаб чиқиш;

Мурунтау карьери борторти руда таналарини комбинациялашган усулида қазиб олиш учун очиш схемаларини ишлаб чиқиш;

қазиб олиш тизимларини қиёсий баҳолашнинг математик-иқтисодий моделини ишлаб чиқиш;

чуқур карьер борторти заҳираларини қазиб олиш бўйича ишлаб чиқилган технологик схеманинг техник-иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Мурунтау руда фойдали қазилма конининг борторти заҳиралари олинган.

Тадқиқот предметини борторти заҳираларини ер ости усулида қазиб олишнинг технологик схемаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида комплекс тадқиқот усулларида, жумладан, назарий ва аналитик умумлаштиришларни ўз ичига олган, замонавий компьютер техникаларидан фойдаланган ҳолда математик

дастурлаш усуллари, шунингдек, математик статистика ва тадқиқот натижаларини корреляцион таҳлил қилиш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

борторти захираларини ер ости усулида қазиб олишнинг технологик схемаси ҳамда Мурунтау олтин конини янада самарали ўзлаштириш йўллари ишлаб чиқилган;

мавжуд вариантларнинг техник афзалликлари ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда Мурунтау конининг борторти захираларини очишнинг математик модели ишлаб чиқилган;

қазиб олиш тизимларини қиёсий таққослаш мезони ва вариантларни самарали қўллаш чегаралари ёрдамида 1 т қазиб олинган борторти захирасидан олинган максимал фойда ҳисобланиб, борторти захираларини қазиб олиш участкаларида қазиб олиш тизимларини қиёсий баҳолаш учун математик-иқтисодий кўрсаткичлар аниқланган;

қазиб олиш назарда тутилган коннинг геологик, технологик ва иқтисодий омилларга боғлиқ ҳолда ер ости усулида қазиб олиш тизимларини самарали қўллаш кўлами аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Мурунтау каръери борторти руда таналарини очиқ ва ер ости усулида қазиб олиш учун ер қаъридан фойдали қазилмаларни тўлиқроқ қазиб олиниши, кон ишларининг хавфсизлиги ва тежамкорлигини таъминловчи очиш схемаси ишлаб чиқилган;

қазиб олинган рудаларнинг миқдори ва қийматига қараб турли хил чегаравий миқдорда Мурунтау каръери чуқурлашиши баробарида қазиб олиш ва ҳисобий қоплама коэффициентига харажатларнинг ўзгариши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ер қаъридан тўлиқроқ ва сифатли фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини яхшилаш ҳамда қабул қилинган технологик ечимлар ижобий натижаларидан фойдаланиш бўйича ишнинг асосий ғоясини қониқтирувчи ва миқдорий тасдиқловчи ўтказилган кўп сонли назарий аналитик ва тажриба синовлари ва математик моделлаштириш билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти руда конларидан тўлиқ ва комплекс фойдаланиш ҳамда кон ишлари технологиясини такомиллаштиришнинг самарали йўналишини танлашнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти самарадор иқтисодий ҳамда технологик ечимларни ишлаб чиқиш билан тавсифланиб, табиий ресурслардан тўлиқроқ ва сифатли фойдаланишнинг самарадорлигини бунданда оширишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чуқур карьерларда руда танаси ётишининг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда, борторти захираларини қазиб олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

борторти руда танасини очик ва ер ости усулида қазиб олиш учун очиш схемаси Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси Мурунтау конида борторти захираларини қазиб олиш учун кон ишларини лойиҳалаш ва режалаштириш босқичида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 02-06-07/9556-сон маълумотномаси). Натижада, ер қаъридан олтин таркибли рудани тўлиқроқ қазиб олишга, кон ишларининг тежамкорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш имконини берган;

борторти захираларини қазиб олишнинг ишлаб чиқилган технологик схемаси Навоий кон-металлургия комбинати Марказий кон бошқармаси Мурунтау конида борторти захираларини қазиб олиш учун кон ишларини лойиҳалаш ва режалаштириш босқичида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 30 сентябрдаги 02-06-07/9556-сон маълумотномаси). Натижада, Мурунтау олтин руда кони георесурси салоҳияти самарадорлигини ошириш ва руда қазиб чиқаришни 20-25%га ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та республика ва 7 та халқаро илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан, 1 та республика ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«Карьер борторти захираларини қазиб олиш технологик схемаси назарияси ва амалиёти таҳлили» деб номланган биринчи бобда сўнгги йиллардаги фойдали қазилма конлари борторти захираларини ўзлаштириш илмий асосларининг таҳлиллари, чуқур карьерлар борторти захираларини қазиб олишнинг технологик схемалари бўйича адабиётлар ва патентлар

тахлили, шунингдек конларда борторти захираларининг жойлашуви бўйича маълумотлар таҳлили кўриб чиқилган.

Борторти захираларини ер ости усулида қазиб олиш амалиётида (ва мавжуд манбаларга кўра), одатда, ушбу усулнинг ўзига хос жиҳати сифатида бу усулнинг характерли белгиларига асосланган бир қатор афзалликлар тушунилади ва мазкур усулдан тўғри фойдаланилганда, ушбу афзалликлар таъминланади.

Умумий қилиб олганда, конлар борторти захираларини ер ости усулида қазиб олиш технологияси амалиёти конларни ер ости усулида алоҳида қазиб олиш технологиясидан тубдан фарқ қилмайди. Фақатгина, асосан, хавфсизликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган жиддий қийинчиликлар очик ва ер ости усулларининг бевосита ўзаро таъсири бўлган ҳудудларда юзага келганда, технологик ечимлар вазиятни ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади. Кўпгина олимлар тадқиқотларида услубий асослар ишлаб чиқилган бўлиб, ушбу ишланмалар муайян шароитдаги конлар борторти захираларини ер ости усулида қазиб олишнинг самарали вариантлари ва кўрсаткичларини аниқлашда қўлланилиши мумкин.


Шундай қилиб, конни очиш, транспорт ишлари, карьер ва шахта майдонларини қазиб олиш тизимларининг ўзаро боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда фойдали қазилмалар борторти захираларини ер ости усулида қазиб олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

«Мурунтау кони георесурсларини максимал ва самарали ўзлаштиришнинг ривожланиш йўллари ишлаб чиқиш» деб номланган иккинчи бобда Мурунтау карьерда борторти фойдали қазилма захираларининг шаклланишини тадқиқ қилиш ва баҳолаш, Мурунтау конида қазилма ишларини ривожлантириш йўллари ишлаб чиқишнинг кон-технологик ва иқтисодий асослари, давлат усутворликлари ҳамда ер қаъридан фойдаланувчи манфаатларини самарали мослаштириш йўллари ишлаб чиқилган.

Руда конининг асосий олтин сақловчи объектлари шимолий-ғарбий йўналишдаги узунлиги, тахминан, 15 км бўлган чизиққа тўғри келади. Унинг шимолий-ғарбий қанотида Бесапантау кони, жанубий-шарқда - Мютенбай кони ва Триада (Чукурқудук) участкаси жойлашган. Руда конининг асосий объекти – Мурунтау кони шимолий-ғарбдан Мютенбайга туташади, бу Мурунтаунинг охириги қисмини кўриб чиқишга имкон беради.

Ҳозирги кунга қадар кондан чуқурлиги, тахминан, 600 м бўлган йирик ишлаб чиқариш карьерни очилган. Мурунтау шахтасини ўтишда қуйи сатҳлар МС-1,2,3 чуқур скважиналарни қазилганда, шунингдек, ер ости кон лаҳимлари горизонтларида скважиналарни бурғулаш билан кидирув ишлари бажарилган. СГ-10 (4294 м) ўта чуқур скважина ўрганилаётган саноат минераллашуви асосидаги геологик тузилмалар ҳақида батафсил маълумот берди. СГ-10 скважинаси 2 дан 15,2 г/т гача бўлган олтин минераллашувининг алоҳида интервалларини деярли 4000 м чуқурликда мавжудлигини кўрсатади.

Карьернинг навбатдаги лойиҳавий контурларидан ташқарида ер юзасидан 1 км чуқурликда жойлашган ва истиқболли ҳисобланган захиралар 517 миллион тоннага баҳоланмоқда. Бундан ташқари, чуқур горизонтларда башорат қилинган олтинли руда ресурслари 1070 миллион тонна рудага баҳоланмоқда.



1-расм.
V-босқичдаги
карьернинг якуний
шакли ва очик-ер
ости усулида қазиб
олиш учун борт орти
захираларининг
жойлашиш схемаси


6 та зонадаги карьер чегарасидан ташқаридаги руда захиралари қазиб олиш учун истиқболли деб топилди (1-расм): Мурунтаунинг шимолий-шарқий, шарқий, шимолий, жанубий ва ғарбий конлари ва Мютенбай конлари зонаси. Дастлабки босқичда бортолди руда таналарини ер ости усулида қазиб олишга кўра, уларни 4 навбатга ажратиш назарда тутилади ва бунинг натижасида кон ишлари ривожланиши режалаштирилган.

Умуман олганда, карьер контуридан ташқарида жойлашган руда таналари, ва 1,5 г/т га тенг борт таркибидаги олтин миқдори билан чегараланган барча руда зоналарида карьер орқали қазиб олинган конни йирик руда таналари билан солиштирганда, қисман кичик ўлчамлари ва мураккаброқ морфологияси билан фарқланади. Руда майдони чегарасида мутахассислар томонидан тўртта яққол кўриниб турадиган штокверк типидagi руда конлари қайд этилган. Қайд этилишича, ғарбий йўналишда захираларни кўпайтириш истиқболлари муаммоли бўлса-да, Мурунтаунинг шарқий қаноти «кўр» руда таналарини қидириш ва разведка ишлари учун жуда истиқболли ҳисобланади.

V-босқич очик карьер контурларидаги олтиннинг баланс захираси IV-босқичга нисбатан 35,8%га ошади. Очик ва ер ости усулда қазиб олиш учун карьер контуридан ташқарида ажратилган олтиннинг баланс захиралари IV-босқич конининг контурларидаги захираларнинг 36,3% ни ташкил этди. Очик, очик ва ер ости усулларда қазиб олиш учун фаол сифатида ҳисобланган балансдан ташқари олтин захираларининг умумий миқдори IV-босқич карьер контуридаги баланс захираларига нисбатан 72,1% ошади (2-расм).


Ҳисоблаш ишлари шуни кўрсатадики, карьер чуқурлиги 200, 400 ва 600 м бўлганда, харажатларни 5,0-10,0, 20,0 долл./т.гача бўлган мақбул ҳисобланган рентабеллик даражасида ушлаб туриш учун чегаравий миқдор 0,5 г/т, 1,0 г/т ва 1,5 г/тдан юқори бўлмаслиги керак (3-расм).

Бу таъсирга Мурунтау карьерининг ўзига хос шароитларида амалда осонлик билан эришиш ва сақлаб туриш мумкин, бу эса омборларда «ноль таннарх» қийматга эга балансдан ташқари руда мавжуд бўлса-да, маълум вақт оралиғида сотиладиган руда учун карьер унумдорлигининг мумкин бўлган табиий пасайиши билан тавсифланади (кон ишлари ва ғамлаш харажатлари олдинги даврдаги сотилган руданинг асосий таннархигача ҳисобга олинади) (4-расм).




I – карьер IV-босқичда; II – карьерлар орасида IV ва V босқичларда;
 III – очик ва ер ости усулида қазиб олиш; IV – карьерлар орасида IV ва V босқичда очик ва ер ости усулида қазиб олиш билан биргаликда; V – карьер V-босқич; VI – карьер V-босқичда очик ва ер ости усулида қазиб олиш билан биргаликда

2-расм. Мурунтау ва Мютенбай фойдали қазилма конлари учун умумий эксплуатация захираларининг таркибини бошқариш графиги



3-расм. Карьернинг чуқурлашиши баробарида қазиб олиш харажатларининг ўзгариш графиги



4-расм. Турли хил чегаравий микдорларда карьернинг чуқурлашиш баробарида ҳисобий қоплама коэффициентининг ўзгариш графиги (Мурунтау учун)

Давлат, ҳудуд ва корхона манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, Мурунтау олтин-конини қазиб олишнинг қуйидаги йўллари таклиф этилиб, улар натижасида минерал хомашё қазиб олишни максимал даражада ошириш назарда тутилмоқда:

- башоратлар билан ҳисобланганда чуқурлиги 900-1100 м гача ва ундан кўп бўлган ҳолларда очиқ усулда қазиб олиш;
- карьер бортларидан ташқарида ётган заҳираларни қазиб олиш учун очиқ ва ер ости усулини жорий қилиш;
- карьер тубидан пастда жойлашган заҳираларни ер ости усулида қазиб олиш;
- потенциал ресурслардан (ишлаб чиқариш чиқиндилари, ер қаъридаги паст навли хомашёдан) фойдаланиш.

«Карьер борторти заҳираларини самарали қазиб олишнинг назарий асослари» деб номланган учинчи бобда борт орти заҳираларини очишнинг математик моделини ишлаб чиқиш, борторти заҳираларини қазиб олишнинг комбинациялашган схемасининг кенгайтирилган кўрсаткичларини башоратли баҳолаш, шунингдек борторти атрофи заҳираларини қазиб олиш тизимининг мақбул вариантларини танлаш методикаси ишлаб чиқилган.

Замонавий шахталар, рудниклар, карьерлар, бойитиш фабрикалари қувватли кон техникалари билан жиҳозланган мураккаб корхоналаридан иборат. Технологик жараёнларни, кон корхоналарини ва бирлашмаларни лойиҳалаштириш ва уларни бошқариш тўғри ечимлар қабул қилишни талаб этади.

Масалани ҳал этиш учун математик таҳлилга асосланган асосий факторлар ва қонуниятларни ҳисобга олувчи, ўрганилаётган шахта майдонини очишнинг математик модели ишлаб чиқилди (5-расм). Масалаларни ҳал этишда аниқ ишлаб чиқариш ҳолатининг мураккаблигини ҳисобга олиш лозим. Бу аниқ шароитларда экспериментдан ўтказиш билан таъминланади.

i -горизонтдан j -вариант бўйича X_{ij} - юк ташиш ҳажмини ва минимал умумий қийматга эга бўлган N_i стволларнинг зарур бўлган сонини аниқлаш талаб этилади. Унда, масаланинг мақсадли функцияси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$W = K_j \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^m (C'_{ij} + C_{ij} \cdot X_{ij}) L_{ij} \rightarrow \min, \quad (1)$$

Рационал вариантларни танлаш деганда, вариантларнинг анъанавий усулини қўллаш билан амалга ошириш тахмин қилинади. Диссертация ишида тавсия этилган қазиб олиш тизими вариантларини таққосий баҳолаш учун, мезонларни ҳисоблаш усули олинган. Қайсики, унга мувофиқ қазиб олиш тизими вариантларини иқтисодий жиҳатдан баҳолаш, максимал фойда мезони бўйича амалга ошириш тавсия этилади. Аммо муаллиф томонидан ишлаб чиқилган методикада рудаларни ташиш ва ер юзасигача кўтаришга кетган харажатлар ҳам инобатга олинган. Бизнинг фикримизча қазиб олиш тизимларини иқтисодий солиштиришда блок ичида ташиш ва транспорт воситаларигача етказиб бериш харажатлари таъсир қилади, аммо рудаларни ташиш ва кўтариш харажатлари бир хил бўлганлиги сабабли иқтисодий самарадорликка сезиларли таъсир қилмайди.

V_1	...	V_i	...	V_m	Захиралар	Қазиб олиш муддати	
$C_{11}; C'_{11}; L_{11}; X_{11}$...	$C_{i1}; C'_{i1}; L_{i1}; X_{i1}$...	$C_{m1}; C'_{m1}; L_{m1}; X_{m1}$	Q_1	T_1	Гор. 1
$C_{21}; C'_{21}; L_{21}; X_{21}$...	$C_{i2}; C'_{i2}; L_{i2}; X_{i2}$...	$C_{m2}; C'_{m2}; L_{m2}; X_{m2}$	Q_2	T_2	Гор. 2
...
$C_{i1}; C'_{i1}; L_{i1}; X_{i1}$...	$C_{i1}; C'_{i1}; L_{i1}; X_{i1}$...	$C_{im}; C'_{im}; L_{im}; X_{im}$	Q_i	T_i	Гор. i
...
$C_{n1}; C'_{n1}; L_{n1}; X_{n1}$...	$C_{ni}; C'_{ni}; L_{ni}; X_{ni}$...	$C_{nm}; C'_{nm}; L_{nm}; X_{nm}$	Q_n	T_n	Гор. N
$N_1^* M_1$...	$N_i^* M_i$...	$N_m^* M_m$	Q	T	

c_{ij} – 1 т рудани 1 м масофага ташиш таннархи, 1 м, ш.б./т м; L_{ij} – лаҳим узунлиги, м; c_{ij} – 1 п.м. лаҳимни ўтиш таннархи, ш.б./п.м; N_j – очиладиган лаҳимлар сони, дона; Q_i – руда захираси, т; M_j – стволнинг ўтказиш қобиляти, т/йил.; X_{ij} – юк ташиш ҳажми; N_i – стволларнинг сони

5-расм. Шахта майдонини очишнинг математик модели

Мақсадли функция қуйидаги кўринишга эга

$$F_j = P_{izvj} - \sum_I^n P_{dp_i} \rightarrow \max, \quad (2)$$

бу ерда P_{izvj} – 1 т қазиб олинган балансдаги борт атрофи захирасининг бойитиш чегарасини ҳисобга олингандаги вариант бўйича қазиб олинган қиймати, сўм/т; P_{dp_i} – 1 т руда массасини қазиб олиш ва қайта ишлаш таннархи, сўм/т.

1 т қазиб олинган захиранинг қазиб олиш қиймати

$$P = P_{pk} \cdot \alpha \cdot K_d \cdot \varepsilon_{iz}, \text{ минг сўм/т,} \quad (3)$$

бу ерда K_d – қазиб олиш коэффициенти, %; ε_{iz} – қайта ишлашда ажратиб олиш коэффициенти, %; P_{pk} – фойдали компонент нархи, сўм/г; α – баланс захирадаги фойдали компонентнинг таркиби ёки келтирилган таркиби, г/т.

$$K_d = \frac{I - K_p}{I - K_r}, \quad (4)$$

бу ерда K_r – қазиб олишда ифлосланиш коэффициенти, %; K_p – қазиб олишда йўқотилиш коэффициенти, %.

Фойдали қазилмаларни ер ости усулида қазиб олиш тизимдарини иқтисодий баҳолашда фақат таъсир этувчи харажатлар ҳисобга олинади.

$$\sum E = E_{\text{pnr}} + E_{\text{otb}} + E_{\text{vd}} + E_{\text{zak}} + E_{\text{iz}} + E_{\text{ven}}, \text{ минг сўм/т,} \quad (5)$$

бу ерда E_{pnr} – тайёрлов-қирқув ишлари; E_{otb} – қазиб олиш; E_{vd} – ташиш ва руда туширгичгача етказиш; E_{zak} – қазиб олинган бўшлиқни тўлдирувчи материаллар билан тўлдириш; E_{iz} – қазиб олинган майдонни изоляциялаш; E_{ven} – шамоллатишга кетган харажатлари.

Борт атрофи заҳираларининг ҳар бир тури учун фойда максимумининг мақсадли функциясини амалга оширувчи математик-иқтисодий моделлар тузилди. Қазиб олиш тизимининг самарали вариантини танлаш, энг яхши конструктив ҳамда технологик сифатда бажарилган, вариантлар қаториданамалга оширилади. Қазиб олиш ишлари таннархини ва турли хиломилларнинг таъсири қонуниятларининг намоён бўлишини аниқлаш учун, тадқиқот объекти сифатида блокнинг борторти заҳиралари қабул қилинди (жойлашган жойи лойиҳада чуқурлиги ва ҳолати бўйича фарқ қилади). Ушбу кўрсаткичларни ҳисобга олган ҳолда солиштириш мумкин бўлган техник-иқтисодий кўрсаткичларни аниқлашга тадқиқот учун Мурунтау олтин руда кони учун характерли бўлган асосий шартлар сифатида қабул қилинди.


Борторти заҳираларини морфологик турларига қараб қазиб олиш учун мавжуд вариантлар кўриб чиқилди ва математик модель тузилди. Қўлланиладиган қазиб олиш тизими бўйича конструктив элементларнинг ўлчамлари ва бошқа манбалар: камералараро таянч бутунликларнинг тўсувчи, яккаловчи ўлчамлари, бирлашиш кенглиги, тўлдирувчиларнинг мустаҳкамлиги, қаватлар баландлиги, ўтиш кенглиги, лаҳимларнинг кесим юзаси, бурғилаш портлатиш ишлари кўрсаткичлари техник ва геомеханик ҳисоблашлар бўйича асосланган ёки бошқа ўхшаш рудниклар бўйича қабул қилинди.

«Чуқур карьернинг борторти заҳираларини қазиб олиш технологик схемасини ишлаб чиқиш ва унинг техник иқтисодий самарадорлигини аниқлаш» деб номланган тўртинчи бобда Мурунтау конининг борторти заҳираларини танланган очиш схемаси ва қазиб олишни асослаш, қазиб олиш тизимларини қиёсий баҳолашнинг математик-иқтисодий моделларини ишлаб чиқиш, борторти заҳираларини қазиб олишда қазиб олиш тизимларининг қиёсий самарадорлигига таъсир қилувчи омилларни баҳолаш ҳамда вертикал, қия ствол ва штольнядан фойдаланган ҳолда Мурунтау конининг борторти заҳираларини ўзлаштириш бўйича ишлаб чиқилган технологик схеманинг техник-иқтисодий самарадорлиги аниқланган.

Умуман олганда, Мурунтау конини ўзлаштириш бўйича таклиф этилаётган ривожлантириш йўлини амалга ошириш георесурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини 85-90% гача оширишни назарда тутди. Натижада, Мурунтау кон-қайта ишлаш комплексини ривожлантиришнинг концептуал схемалари таклиф қилинди, улар асосан, технологик, техник, иқтисодий ва ресурсларни тежовчи ўзгаришларни ўзида мужассам этган ҳолда, георесурс салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган. Пастки горизонтлар заҳиралари тўғрисида маълумотларга эга

бўлган ҳолда, ушбу ишда Мурунтау очик конининг чегара ортидаги захираларини қуйидаги расмга мувофиқ очиш таклиф этилади (6-расм).

Ҳозирги вақтда карьернинг ҳақиқий чуқурлиги 620-630 м, истиқболлиги эса 1000-1100 м деб баҳоланмоқда. Шу билан бирга, кон захираларининг бир қисми карьер контурига тушмайди, ундан ташқарида қолмоқда, борт яқинида ва бортдан 1,0-2,0 км масофада 400-1000 м чуқурликда жойлашган. Ушбу захираларни ўзлаштириш учун очик ва ер ости усули (конни ўзлаштиришнинг иккинчи босқичи) истиқболли ҳисобланади. Ушбу комбинациялашган усул ёрдамида коннинг 800-1200 м чуқурликкача қисмларини ҳам қазиб олиш мумкин. Сўнгра ер ости қазиб олиш усулига ўтилади (конни ўзлаштиришнинг учинчи босқичи).



- 1 – руда таналари; 2 – карьернинг V – босқичдаги чекловчи чегараси;
 3 – карьернинг айни дамда қазиб олиш чегараси; 4 – скипли қия ствол;
 5 – руда туширгичлар; 6 – ташувчи лаҳимлар; 7 – ер ости қазиб блоклар;
 8 – сурилиш ҳудудлари чегараси; 9 – сурилиш воронкалари; 10 – башоратланган руда танаси; 11 – очик ва ер ости яруси; 12 – кўр ствол; 13 – ер ости майдалагичлари камералари

6-расм. Ер ости кон лаҳимларидан фойдаланган ҳолда барча кон ишларини ўзида мужассам этган фойдали қазилмани комбинациялашган усулда қазиб олиш схемаси

Мурунтау карьерининг борторти захираларини очиш ва қазиб олиш вариантларини кўриб чиқиб, оптимал очиш усулини аниқлаш учун кенгайтирилган ҳисоб-китоблар амалга оширилди ва уларни қуйидаги тўртта вариантда кўриб чиқилди:

1. Мурунтау конининг контурдан ташқари захираларини вертикал очувчи стволлардан фойдаланган ҳолда очиш схемаси.

2. Мурунтау конининг борторти захираларини вертикал очувчи стволлар ва карьер майдонига чиқиш имконияти бўлган ташувчи штольнялар ёрдамида очиш схемаси.

3. Мурунтау конининг борторти захираларини карьер майдонига чиқиш имкониятига эга бўлган вертикал ва қия, очиш ва ташувчи стволлардан фойдаланган ҳолда очиш схемаси.


4. Очик ва ер ости усули билан ер ости лаҳимларидан фойдаланган ҳолда конни биргаликда ўзлаштириш схемаси.

Умуман олганда, 1 тонна қазиб олинадиган захираларнинг фойдаси ва таннархини ҳисоблашнинг математик-иқтисодий модели қуйидаги функция билан ифодаланади

$$F_j = P_{izvj} - \sum_I^n E_{dpi} \rightarrow \max, \quad (6)$$

бу ерда P_{izvj} – 1 тонна қазиб олинган захиранинг қиймати, сўм/т; $\sum_I^n E_{dpi}$ – ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун умумий харажатлар, сўм/т.

Математик-иқтисодий моделлар, уларнинг тузилишидан кўриниб турибдики, харажат кўрсаткичлари орқали кон лаҳимларини ўтиш ва қазиб олиш ишларини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган турли хил механизация турларини ҳисобга олиш имконини беради. Борторти захираларини қазиб олишнинг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи яна бир муҳим омилларидан бири – бу жаҳон бозорида металнинг нархи ҳисобланади. Фойдали компонентлар нархига нисбатан фойданинг боғлиқлиги 7а ва 7б-расмларда кўрсатилган.




а – қазиб олинмайдиган тўсuvчи целикларда;

б – қазиб олинадиган тўсuvчи целикларда

7-расм. Борторти захираларини қазиб олишда металл нархининг фойдага таъсири графиги

8-расмда қазиб олиш тизимлари вариантлари бўйича иқтисодий самарали қўлланилиш кўлами келтирилган бўлиб, бу ерда борторти заҳираларида фойдали қазилма компонентларининг рухсат этилган миқдори кўрсатилган.


Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, қават остида ўйиб олиш тизими билан қазиб олишда, қават ости баландлиги таннархнинг ўзгаришига таъсир кўрсатади (9-расм). Ушбу боғлиқлик қуйидаги шароитлар учун қабул қилинган: блокнинг ўлчамлари 100x90x75 м, $h_{пэ}=10 - 15$ м, блок асосининг карьер ости қисмига нисбатан жойлашиш баландлиги 100 метргача, $c=1,5$ г/т, ички ва ташқи ағдармалар ҳосил қилиниши қабул қилинган.



a–қазиб олинмайдиган тўсувчи бутунликларда;

б– қазиб олинадиган тўсувчи бутунликларда

8-расм. Турли хил қазиб олиш тизимларида фойданинг нолдан катта бўлгандаги минимал миқдори



9-расм. Қават остида ўйиб олиб қазиб олиш тизимида 1 тонна рудани қазиб олиш таннархининг қават ости баландлигига боғлиқлик графиги

Шундай қилиб, тўртинчи вариантни бошқа вариантларга қараганда самарали, деб хулоса қилишимиз мумкин, чунки танланган вариант билан, нафақат, коннинг контур заҳираларини максимал даражада қазиб олишни амалга оширишимиз мумкин, балки бир вақтнинг ўзида қияли ствол бўйлаб очик ва ер ости усулларида қазиб олинган рудани ташишимиз мумкин. Мурунтау карьериди йилига ўртача 50 000 000 (эллик миллион) тонна руда қазиб олиншини, ҳамда 1 тонна рудани 1 км масофага автомобил транспортида ташиш 2000 сўм, конвейер ёрдамида ташиш 475 сўмлигини инобатга олсак, очиш схемасининг тўртинчи вариантнинг иқтисодий

самарадорлиги яққол намаён бўлади. Бундан ташқари, қазиб олишнинг ишлаб чиқилган технологик схемаси Мурунтау карьерининг борторти захираларини қазиб олишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилаш ва руда қазиб олишни 20-25% га ошириш имконини беради.

ХУЛОСА

«Руда таналарини ётишининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда чуқур карьерларнинг борторти захираларини қазиб олишнинг технологик схемасини ишлаб чиқиш» мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотларга асосланган ҳолда, назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Маълум хусусиятларга кўра, захираларни чегаралаш ва уларни очиқ усулда қазиб олишда фойдали қазилмаларнинг сезиларли қисми карьер лойихавий чегараси ортида қолиб кетади. Бундай ҳолат бизнинг мамлакатимиз карьерлари ва чет эл карьерлари амалиётида ҳам маълум. Мурунтау карьери конининг IV ва V босқичдаги лойихавий чуқурлигида жойлашган карьернинг борторти захиралари 35-40% га баҳоланади.

2. Турли хилдаги таъсир этадиган омилларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш йўлини ишлаб чиқишнинг асосий таркиби сифатида қуйидагилар қабул қилинади:

– ривожлантиришнинг технологик йўли, автомобиль-конвейер транспорти асосида карьернинг чуқурлиги 1100 м гача чуқурлашишини таъминлаши ва чегаравий контурда бортлар қиялик бурчагининг ошиши;

– ривожлантиришнинг иқтисодий йўли, фойдали қазилма конининг хомашё салоҳиятидан максимал даражада фойдаланган ҳолда юқори фойда олиш схемаси бўйича ишларни олиб бориш шартларини аниқлаш;

– ривожлантиришнинг хомашёли йўли, қайта ишланадиган руда таркибидаги фойдали компонент таркибининг даврий пасайишини таъминлаш ва дастлаб фойдасиз, деб ҳисобланган хомашёларни қайта ишлашга жалб қилиш.

Мурунтау олтин конини янада ривожлантиришнинг илмий асосланган ривожлантириш йўлида минерал хомашё қазиб олишни максимал даражада ўзлаштириш, яъни: захираларни очиқ ва очиқ ва ер ости усулларда қазиб олишда карьер чуқурлиги тахминан 1000-1100 м.гача ва 1200-2000 м ҳамда ундан чуқурда жойлашган захираларни ер ости усули билан қазиб олиш назарда тутилади.

3. Кўп сонли мумкин бўлган вариантлари, ҳар бирининг техник афзалликларини ва камчиликларини ҳисобга олган ҳолда, Мурунтау карьери борторти захираларини очишнинг математик-иқтисодий модели ишлаб чиқилди.

4. Максимал фойда олиш мезонига асосланган борторти захираларини қазиб олиш тизимларининг оптимал вариантларини танлаш методикаси ишлаб чиқилди.

5. Борторти захираларини қазиб олиш ишларини амалга ошириш орқали Мурунтау фойдали қазилма кони георесурс салоҳиятини 85-90% га оширилиши ўрнатилди.

6. Борторти захираларини қазиб олиш тизимларини қиёсий баҳолаш учун, қуйидаги қазиб олиш тизимлари вариантлари бўйича математик-иқтисодий модель ишлаб чиқилди:

– қават ва қават остидан руда ва тоғ жинсларини қулатишли қазиб олиш тизимлари;

– чегаравий устун бутунликларни қолдириш ёки қолдирмасдан қазиб олинган бўшлиқларни тўлдиришли камерали қазиб олиш тизимлари;

– яккаловчи бутунликлар қолдирган ҳолда қотувчи тўлдирувчилар билан қатламли қазиб олиш тизимлари.

7. Геологик, технологик ва иқтисодий омилларга боғлиқ ҳолда ер ости усулида қазиб олиш тизимларини самарали қўллаш кўлами ўрнатилди.

8. Аниқландики, очишнинг тўртинчи варианты бошқа барчасидан анчагина мақбулроқ бўлиб, қайсики, танланган вариантда, нафақат, коннинг борторти захираларини максимал даражада қазиб олишни таъминлашимиз мумкин, балки ер ости усулида қазиб олинган руда билан бир вақтнинг ўзида қия ствол бўйлаб карьердан қазиб олинаётган рудаларни бевосита қайта ишлаш корхонасигача ташилади. Мурунтау карьерида йилига ўртача 50000000 (эллик миллион) тонна руда қазиб олинишини, ҳамда 1 тонна рудани 1 км масофага автомобил транспортида ташиш 2000 сўм, конвейер ёрдамида ташиш 475 сўмлигини инобатга олсак, очиш схемасининг тўртинчи вариантынинг иқтисодий самарадорлиги яққол намаён бўлади. Ундан ташқари, ишлаб чиқилган қазиб олишнинг технологик схемаси Мурунтау карьери борторти захираларини қазиб олишнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилайти ва руда қазиб чиқаришни 20-25% га оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/04.06.2021. Т.06.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАВОИЙСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

СОЛИЕВ БЕКЗОД ЗОКИРБОЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЧЕСКОЙ СХЕМЫ ОТРАБОТКИ
ПРИБОРТОВЫХ ЗАПАСОВ ГЛУБОКОГОКАРЬЕРА С УЧЕТОМ
ОСОБЕННОСТЕЙ ЗАЛЕГАНИЯ РУДНЫХ ТЕЛ**

04.00.10 – Геотехнология (открытая, подземная и строительная)

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2019.2.PhD/T1083.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.ndki.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Мислибаев Илхом Туйчибаевич
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Умаров Фарходбек Яркулович
доктор технических наук, доцент

Меликулов Абдусаттор Джаббарович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: АО «Алмалыкский горно-металлургический комбинат»

Защита диссертации состоится 12 марта 2022 года в 13⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.17/04.06.2021.T.06.02. (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №84). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 25 февраля 2022 г.

(реестр протокола рассылки №43 от 25 февраля 2022 г.).





Б.Р. Раимжанов
И.о. председателя научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



Ш.Ш. Заиров
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор



Н.А. Абдуазизов
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире при добыче полезных ископаемых открытым способом до 20-45% балансовых запасов остаются за пределами карьерных бортов. Мировой опыт разработки месторождений полезных ископаемых комбинированным способом показывает, что 25% рудников ведут добычу залежей, удаленных от карьера, 65% разрабатывают подкарьерные запасы и только 18% рудников разрабатывают прибортовые запасы. Таким образом, в прибортовом массиве остаются значительные балансовые запасы и добыча этих балансовых запасов руд позволила бы повысить экономическую эффективность работы горного предприятия путем дополнительного извлечения из недр полезных ископаемых.

В мире на сегодняшний день решаются проблемы строительства подземных рудников для отработки прибортовых запасов и обеспечения устойчивости массива горных пород, разработки бортовых запасов с перспективными технологическими схемами и определения напряженно-деформированного состояния массива, ведутся исследования формирования и оценки прибортовых запасов полезных ископаемых, выявляются дальнейшие пути эффективного освоения георесурсного потенциала золотодобывающих месторождений, разрабатываются модели вскрытия прибортовых запасов карьеров и оптимальные варианты систем разработки при освоении прибортовых запасов. В связи с этим, уделяется особое внимание разработке технологии добычи запасов на карьерах с учетом условий залегания рудных тел и повышению эффективности использования георесурсного потенциала месторождений за счет разработки технологической схемы добычи прибортовых запасов подземным способом.

В Республике выполняется ряд научно-практических работ по совершенствованию технологии геодинамической безопасности горных объектов, разработке рациональных конструкций глубинных карьерных бортов, разработке методов прогнозирования оползневоопасных процессов в массиве, совершенствованию методов совмещенной добычи полезных ископаемых, разработке научных основ комплексного использования рудных месторождений, совершенствованию технологии разработки полезных ископаемых, разработке системы добычи и новых методов. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ определены важные задачи по «расширению научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство энергосберегающих и экологически безопасных технологий...». В связи с этим важно выполнять задачи по стимулированию научно-исследовательской и инновационной деятельности, созданию эффективных механизмов внедрения инновационных достижений

¹Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

в практику и в этом аспекте необходима разработка технологической схемы отработки прибортовых запасов глубокого карьера подземным способом.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указах Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», №УП-4707 от 4 марта 2015 г. «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства в 2015-2019 гг.» и Постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-4124 от 17 января 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности предприятий горно-металлургической отрасли», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в этой сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

